



Issues of criminal liability for interference in investigations or judicial proceedings in some foreign countries

Sayfillo RAMAZANOV ¹

Higher School of Judges with the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2024

Received in revised form

15 October 2024

Accepted 25 October 2024

Available online

25 December 2024

Keywords:

interference in the investigation or resolution of judicial cases, non-execution, liability, foreign experience, level of social danger, justice.

ABSTRACT

In this article, the author covers the issues of criminal liability for interference in the investigation or resolution of judicial cases in most foreign countries. According to the author, the concept of interference in the investigation or resolution of judicial cases is not used at all in the criminal legislation of some foreign countries. We believe it is advisable to analyze the analysis of the legislation of foreign countries, dividing the sources of criminal law norms defining liability for interference in investigations or the resolution of judicial cases into the following four groups: 1) CIS member states and previously member states; 2) states in the Anglo-Saxon legal system; 3) Member States of the European Union; 4) Roman-Germanic law.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss11/S-pp231-238>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Баъзи хорижий мамлакатларда тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жиноий жавобгарлик масалалари

ANNOTATSIYA

Kalit so'zlar:

тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашганлик, ижро этмаслик, жавобгарлик, хорижий тажриба, ижтимоий хавфлилик даражаси, одил судлов.

Мазкур мақолада муаллиф томонидан аксар хорижий мамлакатларда тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жиноий жавобгарлик масалалари ёритилган. Муаллифнинг қайд этишича айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашти тушунчаси умуман қўлланилмаган. Хорижий мамлакатлар қонунчилигининг таҳлилини биз тергов қилишга ёки суд

¹ Independent researcher, Higher School of Judges with the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan.
e-mail:ramazonov.s@mail.ru

ишларини ҳал этишга аралашиш учун жавобгарликни белгиланган жиноят-ҳуқуқий нормалар манбаларини қуйидаги тўртта гуруҳга ажратган ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: 1) МДҲга аъзо ва илгари аъзо бўлган давлатлар; 2) Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги давлатлар; 3) Европа Иттифоқига аъзо давлатлар; 4) Роман-герман ҳуқуқ тизимидаги давлатлар.

Вопросы уголовной ответственности за вмешательство в расследование или разрешение судебных дел в некоторых зарубежных странах

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

вмешательство в расследование или в разрешение судебных дел, неисполнение, ответственность, зарубежный опыт, степень общественной опасности, правосудие.

В данной статье автором освещены вопросы уголовной ответственности за вмешательство в расследование или разрешение судебных дел в большинстве зарубежных стран. Автор отмечает, что в уголовном законодательстве некоторых зарубежных стран понятие вмешательства в расследование или в разрешение судебных дел вообще не применяется. Анализ законодательства зарубежных стран мы считаем целесообразным проанализировать источники уголовно-правовых норм, устанавливающих ответственность за вмешательство в расследование или в разрешение судебных дел, разделив их на следующие четыре группы: 1) государства - члены и ранее члены СНГ; 2) государства в англосаксонской системе права; 3) государства-члены Европейского Союза; 4) Романо-германское право.

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш жиноий жавобгарлик масаласини таҳлил қилишда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш учун жиноий жавобгарликнинг шакллари, ўзига хос хусусиятларини янада кенгроқ ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш мумкин бўлади.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунлари таҳлил қилиш натижаси амин бўлдики кўпчилик ривожланган мамлакатларда тергов қилиш ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги таъминланган ҳамда тўлиқ таъминланмаган мамлакатлар ҳам мавжуд.

Конституцияларда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятни амалга ошириш бир ёки икки марказий давлат органи (мувофиқ равишда давлат бошлиғи ва ёки ҳукумат) зиммасига юклатилган, аммо суд ҳокимиятини амалга ошириш суд тизимининг қуйи поғонасидан то энг олий даражагача бўлган барча суд органлари зиммасидадир. Суд органларининг ҳар бири, ўзининг мазкур тизимда тутган ўрнидан қатъи назар муайян, ишни мустақил равишда, фақат қонун доирасида ҳуқуқий тафаккурга асосланган ҳолда ҳал қилади. Нафақат Олий суд, балки ҳар бир суд органи

суд ҳокимиятининг мустақил намојандаси (вакили) ҳисобланади. Бу билан эса суд ҳокимияти, юқори органлар қуйи органларга раҳбарлик қилувчи, уларга ўз ваколати, компетенциясига кирувчи масалаларни ҳал этиш бўйича кўрсатмалар бера олиши мумкин бўлган маъмурий ҳокимиятдан анча фарқ қилади.

Аксарият хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашуш тушунчаси умуман қўлланилмаган. Хорижий мамлакатлар қонунчилигининг таҳлилини биз, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашуш учун жавобгарликни белгиланган жиноят-ҳуқуқий нормалар манбаларини қуйидаги тўртта гуруҳга ажратган ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: 1) МДҲга аъзо ва илгари аъзо бўлган давлатлар; 2) Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги давлатлар; 3) Европа Иттифоқига аъзо давлатлар; 4) Роман-герман ҳуқуқ тизимидаги давлатлар.

Шунингдек, Суд ҳокимиятининг тузилмаси аввало судларнинг ўзини қамраб олади. Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда улар ягона тизимни ташкил этади, унга кўра, турли соҳа судларга ягона олий судга бирлашади. Айни пайтда кўпчилик мамлакатлар, айниқса Европа қитъасида судьяларнинг кўп тизимли тенденцияси кузатилади. Бу мамлакатларда олий суд бошчилигидаги умумий ва махсус судларнинг бир-биридан алоҳида мустақил бўлган суд тизимлари ташкил этилмоқда. Бунга ёрқин мисол қилиб, 1949 йилда қабул қилинган Германия Асосий Қонунини кўрсатиш мумкин, унда Федерал конституциявий суд билан бир қаторда яна алоҳида бешта суд таъсис этилиши кўзда тутилган, булар: Федерал судлар палатаси, Федерал маъмурий суд, Федерал молия суди палатаси, Федерал меҳнат суди, Федерал ижтимоий суд. Улар суд амалиётида бир хилликни таъминлаш мақсадида ҳамкорликдаги (қўшма) сенатни ташкил этадилар.

Роман-герман ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда ва баъзи бир бошқа мамлакатларда умумий юрисдикция судлар тизими билан бир қаторда, (яъни асосан, фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқувчи судлар) давлат кенгаши деб аталувчи (Франция, Италия) ҳамда Олий маъмурий суд деб аталувчи орган томонидан (Швеция) бошқарилувчи маъмурий адлия тизими барпо этилади. Баъзи бир постсоциалистик мамлакатларда ҳам (Болгария, Чехия) худди шу тарзда иккитадан суд тизими таъсис этилган. Польшада Олий маъмурий суд, ҳозирча, Олий суд томонидан назорат қилинади, бироқ Польша Республикаси Конституциясининг 236 моддаси, 2-қисмига мувофиқ, 5 йил мобайнида, яъни у кучга кирган 1997 йилдан то 2002 йилгача Олий маъмурий суднинг мамлакат Олий судидан мустақил бўлишини таъминловчи “Маъмурий судлар тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши лозим. Кўпчилик мамлакатларда ҳарбий судлар тинч даврда ташкил этилмайди, (қаранг: масалан, 1920 йилда қабул қилинган ва 1929 йилда таҳрир этилган Австрия Федерал Конституциявий қонунининг 84-моддасига мувофиқ), агар мамлакатда ҳарбий суд олдиндан мавжуд бўлса, у умумий юрисдикциянинг алоҳида бир соҳасини ташкил этади. Худди шу нарсани маъмурий судлар хусусида ва бошқа баъзи бир махсус судлар: оилавий, вояга етмаганлар, меҳнат, патент, молиявий солиқ судлари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш жиноятини хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигини ўрганиш натижасида амин бўлдики, кўпгина мамлакатлар жиноят қонунчилигида тергов қилиш ёки суд ишларига аралашиш қандай шаклларда амалга оширилиши аниқ белгиланган. Масалан, Албания Республикаси Жиноят кодексининг 301-моддасида суд ишларига тўсқинлик қилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, кўрилатган жиноий ишни ўзгартириш, изларни сохталаштириш, йўқотиш, ҳаракатларни яшириш, йўналишни бошқа томонга ўзгартириш ҳаракатлари суд фаолиятига тўсқинлик қилиш деб баҳоланиб, ушбу жиноят учун уч йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган. Венгрия Республикаси Жиноят кодексининг 242/А моддасига мувофиқ суд ёки бошқа суд тартибида иш юритув жараёнида суднинг қонуний ҳуқуқларига куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилиш, унинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлигига бепарволик қилишини талаб этиш, қўрқитиб огоҳлантириш жиноят деб топилади. Агар, бу аралашиш ёки тўсқинлик қилиш бир жиноят иши билан боғлиқ бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси билан жазоланади. Шунингдек, Венгрия Республикаси Жиноят кодексининг 242/А моддаси учинчи қисмига кўра, ушбу аралашиш ёки тўсқинлик фуқаролик иши билан ёки интизоми, ҳакамлик ёки бошқа ҳар қандай суд ишлари билан боғлиқ бўлса, суд аъзоларини бирор бир манфаатга қизиқтирса, беш йилдан кўп бўлмаган озодликдан маҳрум этиш жазоси билан жазоланади. Бундан ташқари, Венгрия Республикасида мамлакат билан боғлиқ бўлган ҳар қандай халқаро ишларни кўрувчи Венгрия Халқаро суди мавжуд бўлиб, ушбу суднинг ишларига аралашиш учун ҳам Венгрия Республикаси Жиноят кодексининг 249/Б моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, Латвия Республикаси Жиноят кодексида “Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш” жинояти мустақил икки таркибли жиноят сифатида мустаҳкамланган. Яъни, Латвия Республикаси Жиноят кодексининг 2941-моддасида дастлабки жиноят процессига аралашганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, тергов фаолияти йўналишини ўзгартириш ёки ноқонуний қарор қабул қилишга эришиш мақсадида дастлабки жиноят процессига тўсқинлик қилиш, аралашиш, бирор бир тарзда таъсир этиш ижтимоий хавфли ҳаракатлари учун озодликдан маҳрум этиш, жамоадан ажратиб қўйиш, ижтимоий хизматларга жалб этиш ёки жарима жазоси билан жазоланар экан. Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса, ушбу ҳаракатлар мансабдор шахслар томонидан содир этилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, бир йил муддатга ҳуқуқдан маҳрум этиш ёки озодликдан маҳрум этиш, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга жамиятга хизматга жалб этиш ёки маълум бир вазифадан озод этиш жазоларидан бири белгиланар экан. Шунингдек, Латвия Республикаси Жиноят кодексининг 295-моддасига 2012 йил декабрь ойида киритилган ўзгартиришга кўра, суд ишларига аралашганлик, яъни ноқонуний ҳукм ёки қарор қабул қилиш ёки эълон қилишга эришиш учун бирор-бир тарзда судья, маслаҳатчиларга таъсир кўрсатиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган ва бу учун узоқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки жамоа хизматига жалб этиш жазоси

қўлланилар экан. Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса мансабдор шахсларнинг суд ишларига аралашганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган ва бу қилмиш учун бир йилдан кам бўлмаган озодликдан маҳрум этиш ва жамоа ишларига жалб этиш билан биргаликда беш йилдан кўп бўлмаган мансабдор шахс лавозимидан озод этиш жазолари қўлланилади.

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш жинояти юзасидан хорижий тажрибани ўрганар эканмиз юқорида қайд этганимиздек, турли мамлакатларда бу жиноят учун турлича жавобгарлик белгиланган ва бу жиноят турлича талқин этилган. Аксарият МДХ давлатлари Жиноят кодексларида ушбу жиноят деярли Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилиги билан бир хил эканлиги қайд этилди. Масалан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 294-моддасида тергов илиш ва суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, тергов қилиш ёки суд ишларига аралашиш бирорта суд процессида чиқариладиган ҳукм, қарор ва бошқа ҳужжатларнинг ноқонуний чиқарилишига эришиш мақсадида бирор бир қаршилиқ қилиш ёки олдиндан таъсир ўтказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, Россия Федерациясида Прокурор терговчи томонидан тергов олиб боришига ҳар қандай аралашиш, қаттиқ тушунтиришлар бериш, таҳдид этиш, қўрқитиш учун жавобгарлик белгиланган ва ушбу модда иккинчи қисмида ушбу жиноят давлат мансабидан фойдаланган ҳолда содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган. Шунингдек, суд фаолиятига ҳар қандай кўринишдаги аралашиш учун Украина Жиноят кодекси 376-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача жарима ёки икки йилгача жамоат ишлари ёки олти йилгача қамоқ жазоси белгиланган. Агарда ушбу илмий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан содир этилса беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум эти ёки олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилар экан.

МДХга аъзо ва илгари аъзо бўлган мамлакатлар жиноят қонунчилигида назарда тутилган тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш жинояти учун белгиланган нормалари ўрганилиб, жиноят қонунлари таҳлил қилинди. Хусусан, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Украина, Озарбайжон, Арманистон, Молдова ва Грузия каби давлатлар.

Қозоғистон Республикаси ЖКда “Одил судловга қарши жиноий ҳуқуқбузарлик ва жазоларни ижро етиш тартиби” деб номланган 17-бобида 1 та моддада келтириб ўтилган: 407-модда. Одил судлов ва дастлабки терговни амалга оширишга тўсқинлик қилиш деб номланган. У ўз ўрнида қуйидаги уч қисмдан иборат: 1) одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилиш учун суд фаолиятига ҳар қандай шаклда аралашиш; 2) ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив дастлабки терговни олдини олиш учун прокурор ёки дастлабки терговни олиб боровчи шахснинг фаолиятига ҳар қандай шаклда аралашиш; 3) ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар унинг мансаб ваколатидан фойдаланган шахс томонидан содир этиш.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ЖКдан фарқли равишда Қозоғистон Республикаси ЖКда тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш жинояти учун жавобгарлик белгиланган модда уч қисмдан иборат ва жавобгарликни оғирлаштирувчи белгиларининг умумий ҳамда ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Беларусь Республикасининг ЖКда XIII бўлим “Давлатга қарши жиноятлар ва ҳокимият ва бошқарувни амалга ошириш тартиби” деб номланган бўлиб 34-боб одил судловга қарши жиноятларга бағишланган . Хусусан, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш жинояти учун 390-моддада жавобгарлик белгиланган . Унга кўра, мансабдор шахснинг ўз расмий ваколатларидан ҳар қандай шаклда судья, халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи ёки суриштирув олиб бораётган шахс фаолиятига аралашиши ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириш ёки тергов қилишнинг олдини олиш ёки ноқонуний суд ҳукмини, қарорини, бошқа суд ҳужжатини ёки жиноят процессида жиноий прокуратура органининг ноқонуний қарорини олишга қаратилган бўлса, ушбу модда қоидалари татбиқ қилинади .

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш жинояти юзасидан хорижий тажрибани ўрганар эканмиз юқорида қайд этганимиздек, турли мамлакатларда бу жиноят учун турлича жавобгарлик белгиланган ва бу жиноят турлича талқин этилган. Айрим МДХ давлатлари ЖКларида ушбу жиноят деярли Ўзбекистон жиноят қонунчилиги билан бир хил эканлиги қайд этиш мумкин.

Масалан, **Россия Федерацияси** ЖКнинг X бўлими “Давлат бошқарувига қарши жиноятлар” деб номланган бўлиб, “Одил судловга қарши жиноятлар”га бағишланган 31-бобининг 294-моддасида тергов қилиш ва суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, тергов қилиш ёки суд ишларига аралашиш бирорта суд процессида чиқариладиган ҳукм, қарор ва бошқа ҳужжатларнинг ноқонуний чиқарилишига эришиш мақсадида бирор бир қаршилиқ қилиш ёки олдиндан таъсир ўтказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган .

Шунингдек, Россия Федерациясида прокурор терговчи томонидан тергов олиб боришига ҳар қандай аралашиш, қаттиқ тушунтиришлар бериш, таҳдид этиш, қўрқитиш учун жавобгарлик белгиланган ва ушбу модда иккинчи қисмида ушбу жиноят давлат мансабидан фойдаланган ҳолда содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, **Украина** ЖКнинг “Одил судловга қарши жиноят” деб номланган XVIII бўлимида алоҳида бобга ажратилмаган ҳолда келтириб ўтилган . Хусусан, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш жинояти учун 376-моддада жавобгарлик белгиланган бўлиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача жарима ёки икки йилгача жамоат ишлари ёки олти йилгача қамоқ жазоси белгиланган. Агарда ушбу қилмиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан содир этилса беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум эти ёки олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади .

Украина ЖКда назарда тутилган ўзига хос ва ижобий тажрибалардан бири ЖКнинг 376-1-моддасида одил судлов тизими органлари ва муассасаларидаги автоматлаштирилган тизимлар ишига қонунга ҳилоф равишда аралашиш учун жавобгарлик белгиловчи махсус нормаларнинг мавжудлигидир. Унга кўра, ягона суд ахборот-телекоммуникация тизими, судда фаолият юритувчи бошқа автоматлаштирилган тизимга, Одил судлов олий кенгашига, Судьялар олий малака комиссиясига, Украина давлат суд бошқармасига, уларнинг органларига рухсат этилмаган ҳолда атайлаб ёлғон маълумотларни киритиш ёки маълумотларни ўз вақтида киритмаслик, бундай тизимларнинг ишлашига бошқа аралашиш бундай тизимларда мавжуд бўлган маълумотларга қарши ҳаракатлар ёки ушбу тизимга кириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс ёки бошқа шахс томонидан бундай тизимларга рухсатсиз кириш орқали содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг олтимиш юз бараваридан 1000 бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача муайян фаолият билан шуғулланиш ёки муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, кодексга кўра, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан келишиб содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан олти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. Дарслик. Т.: Зарқалам, 2005. – Б.239.
2. <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global>
3. <https://www.doingbusiness.org/en/reports/global-reports/doing-business-2021>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
5. Кабулов Р., Отажонов А. Одил судловга қарши жиноятлар. Ўқув кўлланма. Т.: 2013. - Б.50.
6. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик/Р.Кабулов, А.Отажонов ва бош. Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов.-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. 16-бет.
7. Германия Асосий Қонуни, 95-модда, 1-ва 3-қисмлар.
8. CRIMINAL CODE OF THE REPUBLIC OF ALBANIA Consolidated version as of October 13, 2009 Criminal Code of the Republic of Albania Law No. 7895, dated 27 January 1995
9. The Criminal Code of the Republic of Hungary Act IV of 1978. Section 242/A, Section 249/B.

10. The Criminal Law of the Republic of Latvia. This Law has been adopted by the Saeima on 17 June 1998. This Law shall come into force on 1 July 2009. Section 294.1 Interference in the Pre-trial Criminal Proceedings.
11. The Criminal Law of the Republic of Latvia. This Law has been adopted by the Saeima on 17 June 1998. This Law shall come into force on 1 July 2009. Section 295. Interference in a Trial of a Matter.
12. <http://prokuror-kaluga.ru/razyasnenie-6262.html>.
13. абз. 3 п.13 постановления Пленума Верховного Суда Украины от 12 апреля 1996 г. - 4
14. Ю.А. Кармазин, Е.Л. Стрельцова. Уголовный кодекс Украины. Комментарий: Под редакцией Ю.А. Кармазина и Е.Л. Стрельцова. - Харьков, ООО -Одиссей-,2001.-960 с.. 2001
15. Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 02.07.2021 г.) // www.online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252
16. Борчашвили И.Ш. Комментарий к Уголовному Кодексу Республики Казахстан (Особенная часть). – Астана, 2011. – С. 120.
17. Хилjuta В.В. Должностные злоупотребления: вопросы правовой оценки и квалификации. Монография. – Саарбрюкен: LAP Lambert Academic Publishing, 2019. – С. 328.
18. Молчан С.Л., Сухова В.В. Уголовное право: Учебно-методическое пособие. – Горки: Белорусская государственная сельскохозяйственная академия, 2019. – С. 184.
19. Criminal Code of the Republic of Belarus of July 9, 1999 No. 275-Z(as amended on 11-11-2019). // www.cis-legislation.com/document.fwx?rgn=1977
20. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 01.07.2021) (с изм. и доп., вступ. в силу с 22.08.2021). // www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/
21. Уголовное право. Особенная часть. В 2 т. Т.1: учебник для вузов / И. А. Подройкина [и др.]; ответственный редактор И.А.Подройкина, Е.В.Серегина, С.И.Улезько. – М.: Юрайт, 2020. – С. 142.
22. Criminal Code of the Republic of Ukraine of April 5, 2001 No. 2341-III (as amended on 13-04-2020. // www.cis-legislation.com/document.fwx?rgn=8679
23. Кармазин Ю.А., Стрельцова Е.Л. Уголовный кодекс Украины. Комментарий: – Харьков: Одиссей, 2001. – С. 960.
24. Criminal Code of the Republic of Ukraine of April 5, 2001 No. 2341-III (as amended on 13-04-2020. // www.cis-legislation.com/document.fwx?rgn=8679